

ҲАР БИРИМИЗ ДУНЁҚАРАШИМИЗНИ ЎЗГАРТИРИБ, “БУ МЕНИНГ УЙИМ, МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ, МЕНИНГ ТУМАНИМ, МЕНИНГ ВАТАНИМ” ДЕБ ЯШАШИМИЗ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Тошкент шахрининг Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларига ташриф буюриб, спорт ва транспорт инфратузилмаси объектларининг қурилишини кўздан кечирди, маҳаллалардаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.



мегаватт 56 минг квадрат метр кўёш панеллари ўрнатилди.

Шу ерда Тошкент шаҳри бўйича ўтган йили тақдимот қилинган инвестиция дастурига мувофиқ, бу йил ишга туширилган лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Қайд этилганидек, жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 360 та лойиҳа бажарилиб, жами 20 мингта иш ўрни яратилган. Шунингдек, келгусида Янгиҳаёт туманида 650 гектар майдонда янги авлод санат зонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрида “Янги Ўзбекистон” кўчаси ва 4R12 магистрал йўли кесилувида қуриладиган йўл ўтказиш лойиҳаси билан танишди.

Сўнгги йилларда бу икки йўлда қатнов орти. Бўстонлиқ ва Паркент туманларига бораётган сайёҳлар сони ҳам аввалги йилларга қараганда бир неча баробар кўпайди, ҳали яна ошади. Шунингдек, бу кесимиш келажакда Янги Тошкент шаҳрига олиб борадиган асосий йўл бўлади.

Шуларни инобатга олиб, бу кесимишда транспорт боғламаси қуриш мўлжалланган. Лойиҳага кўра, бу ерда 1 та кўприк, 3 та туннель, 4 тадан айланма ва қўшимча йўллар барпо этилади. Буларнинг эвазига чорраха биронта ҳам светофорсиз — “яшил чорраха” бўлади.

Бу қулайлик натижасида ҳайдовчи ва йўловчиларнинг вақти ҳозиргига нисбатан 20-30 дақиқага тежалди, ҳаракат хавфсизлиги ошди.

Президентимиз “Дўстлик — Қўйлик” ерусти метроси тагида қуриладиган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ҳам кўздан кечирди. Лойиҳа доирасида бу ерда 36 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, спорт ва болалар майдончалари, автотурагоҳлар барпо этилади.

Мутасаддиларга бу ерда хавфсизлик чоралари ва назоратини таъминлаш, Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳабиб Абдуллаев маҳалласида ҳам бўлди.

Бу маҳаллада 4 минг 400 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Худудда эллиқка яқин савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим ташкилотлари фаолият юритмоқда. 38 та кўп қаватли уй ва тўртта ижтимоий объектга “Маданият ҳудуд” бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатади.

Аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган. Жорий йилда оталар чойхонаси, амфитеатр, “Wi-Fi” ҳудуд барпо этилди, ички йўллар ва болалар майдончалари таъмирланди.

Масъулларнинг эътибори, аҳолининг ҳамжихатлиги сабаб ҳудуднинг манзараси тубдан ўзгарди. “Шил макон” лойиҳаси доирасида шу кўзда 2 минг тупдан ортиқ манзарали ва мевали кўчатлар экилди. Иккита артезиан кўдүк қазилиб, яшил майдонларни суғориш тизими яратилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда туман фаоллари, нуронийлар билан суҳбатлашди. Улар ўз маҳаллалари обод бўлгани, энергия тармоқлари таъмирланиб, қишга пухта тайёргарлик қўрилганини айтишди.

Президент энергияни тежаш, хонадонлардаги иссиқликни асраш, ҳар бир инсонда бунга дахлдорлики шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

— Дунёдаги иқлим ўзгаришлари биздан узоқда, деб бўлмайди. Утган йилги совуқ буни кўрсатди. Энди иқлим ўзгаришини инобатга олиб, дунёқарашимизни ҳам ўзгартиришимиз керак. Ҳар бир фуқаро “бу менинг уйим, менинг маҳаллам, менинг туманим, менинг Ватаним” деб яшаса, натижа биз кутгандек бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу маҳаллада ҳам қиш олдида унтраформатор таъмирланди, электр симлари алмаштирилди. Кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари капитал таъмирланди, янги эшиклар ўрнатилди. Уйларнинг ертўласидаги иссиқлик қувурлари янгиланди.

Давлатимиз раҳбарига Чилонзор туманига ташриф чоғида берилган топшириқларга мувофиқ қишга қурилган тайёргарлик ҳақида ахборот берилди.

ЎЗА

Давлатимиз раҳбари дастлаб Олимпия шаҳарчасидаги қурилиш жараёнларини кўздан кечирди.

Маълумки, 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ва Параоосиё ўйинлари юртимизда ўтказилади. Шу боис, Олимпия шаҳарчасида мазкур мусобақалар дастурига киритилган барча спорт турлари учун шароит бўлади. Унинг майдони 100 гектар. Асосий иншоотлар — 10 минг ўринли стадион ва 2 минг томошабинга мўлжалланган велосипед, сув спортлари саройи, яккакурашлар ва жамоавий ўйинлар мажмуаларидир.

Шунингдек, 4 қаватли маъмурий бино, 15 та очик спорт майдони, югуриш йўлаклар, боғлар барпо этилади. Умуман,

шаҳарчанинг 54 фоиз майдони яшил ҳудуд бўлади. Бунинг учун 37 гектарда сунъий кўллар ташкил қилинади.

Лойиҳа 70 та мамлакатда спорт иншоотлари қурган Хитойнинг “САНС Engineering” компанияси билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Бундан бир йил олдин, 9 ноябрь куни давлатимиз раҳбари мазкур шаҳарча қурилишига тамал тоши қўйган эди. Бугунги кунда асосий биноларнинг пойдевор ишлари тўлиқ бажарилган. 5 та мажмуанинг конструкциялари тикланиб, қад кўтариб қолган. Қурилишга мингта яқин ишчи ва муҳандислар, махсус техникалар жалб қилинган.

Давлатимиз раҳбари шаҳарчани эксплуатация қилиш бўйича хорижий тажрибани жорий этиш, хавфсизлик чораларини кўриш ва қулайликлари ошириш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Осиё ўйинлари ўтгандан кейин мажмуалар бўшаб қолиши керак эмас, халқимизга хизмат қилиши керак. Бу ерда машгулотлар билан бирга спорт таълими, илми, тиббиёти муқаммас бўлиши зарур. Ўзини бу жой мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машгулот маркази бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кейинчалик бу ерда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, спорт федерациялари, Ўзбекистон давлат спорт акаде-

мияси ва бошқалар фаолият кўрсата бошлайди. Майдончаларда юртдошларимиз ҳам спорт билан шуғулланиши мумкин бўлади.

— Келажакда бу шаҳарча билан болалар спорт мактабларини ҳам боғлаш керак. Оммавий спортдан профессионал спортга ўтиш кўприги бу, — деди Президент.

Шаҳарчада Параоосиё ўйинлари ҳам ўтказилгани боис, жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун қулай йўллар ва алоҳида секторлар ташкил этилади.

Президентимиз тавсиясига мувофиқ, мажмуада қайта тикланувчи энергиядан ҳам фойдаланилади. Йиллик қуввати 10



ИСЛОҲОТЛАР — АМАЛДА

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”

УНДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Президентимиз жорий йил 26 сентябрь куни маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида “Маҳаллалар — давлатимизнинг энг катта замини” эканига ургу берди. Шунингдек, эндиликда ҳар бир маҳаллада “Маҳалла еттилиги” тизими иш бошлаши маълум қилинди.

“Еттилик” таркибидagi ҳоким ёрдамчиларига аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, ишсизларни иш билан таъминлаш ва шу орқали камбағалликни қисқартириш вазифаси юклатилган. Бу, албатта, ҳоким ёрдамчиларининг одамлар ҳаётини яхшилашдаги ўрни қанчалик муҳим ва масъулиятли эканини аниқлатади.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: “Утган қисқа вақтда ҳоким ёрдамчиларининг маҳалла аҳолиси турмушини яхшилашдаги ўрни қандай бўлмоқда?”

Бугун шу саволга жорий йилнинг ўтган 9 ойида амалга оширилган ишлар таҳлили атрафида, шунингдек, рақамли мисоллар ёрдамида жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Бандликни таъминлаш

Халқимиз азалдан тадбиркор, ҳаракат қилса, ҳар ишнинг урдадан чиқадиган иқтидорга эга. Табиат ўзгаришларига тезкор ечим топиш ва қийин вазиятлардан мақбул йўл билан чиқиш ҳадисини олган. Фақат уларга озгина қўллаб-қувватлов ва рағбат бўлса бас, ҳар ишни жой-жойига қўяди.

Бу борада эса маҳаллаларда иш бошланган ҳоким ёрдамчиларининг ўрни алоҳида бўлмоқда. Боиси, улар ҳар бир оилага кириб, вақтинча ишсиз бўлган, лекин қўлидан иш келадиган, тадбиркорликка қобилияти ва қизиқиши бор, бирор ҳунар ўрганишни истаётган фуқаролар, айниқса, ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг хоҳишига қараб амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Давоми 3-бетда

КАРДОШЛИК РИШТАСИ

ТУРКИЙ ДАВР: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ ЙЎЛ

Бугунги тобора кучайиб бораётган глобаллашув жараёнида кардош Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатларнинг жаҳон сиёсат майдонида нуфузи юксалиб, унинг овози янада кучлироқ янграй бошлади. Халқаро миқёсдаги ҳар бир масала, ҳар бир муаммо бўйича ташкилотга аъзо давлатларнинг яқдил позицияга эгаллиги Ташкилотнинг бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бораётганини ифодасидир.

Давоми 3-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

миллий статистик маълумотларни қандай қилиб бир дақиқада етказиб берапти?

Ҳар қандай мамлакатга ахборот технологияларининг кириб бориши нафақат иқтисодиёт, балки бошқа соҳалардаги муносабатларга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ривожланаётган давлатларнинг деярли ярми XXI аср бошидан бери рақамли технология билан қамраб олинди ва бу аҳоли ҳаёт шароитларининг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди.

Замонавий ахборот-коммуникация висталарининг қўлланилиши ҳисобига молиявий, тижорат ва давлат хизматларидан кенг қамровда ҳамда қулай тарзда фойдаланиш имконияти вужудга келди. Шу ўринда айтиш кераки, “Synergy Research Group” компанияси жорий йилда эълон қилган ўрганишларига кўра, 2022 йилда дунёда мазкур соҳа инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган жами капитал харажатлар 9 фоиз ортган.

Рақамли технологияларнинг пайдо бўлиши статистик хизматлардан кенг фойдаланишнинг янги истиқболларини келтириб чиқарди. Уларнинг такомиллашиб бориши туфайли маълумотлар йиғилишини аънавий воситалари эскириб бораётгани тобора кўриниб қолмоқда. Бу, ўз навбатида, замонавий усуллардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Давоми 4-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЕТИШТИРИШ

ИШТИРОКЧИ ҲАМ, ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМ МАНФААТДОР БЎЛСИН



Кейинги йилларда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кўтарилмоқда. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги қийинчиликлар ва қатор давлатларда озиқ-овқат танқислиги юзага келгани билан боғлиқ. Муаммо дунё бозоридagi умумий ҳолатга ҳам таъсирини ўтказмоқда.

Иқлим ўзгаришлари, саҳроланашнинг кенгайиши, сув тақислиги каби глобал масалалар бунинг асосий сабабларидан. Бундай шароитда давлатлар, аввало, қишлоқ

хўжалигини илғор технологиялар асосида ривожлантириб, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришга интиляпти.

Давоми 2-бетда

ТЎКИМАЧИЛИК САНОАТИ

КЛАСТЕРЛАР ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРМОҚДА

Касби тумани пахта етиштиришда Кашқадарё вилояти бўйича иккинчи ўринда туради. Хар йили туман фермер хўжаликлари 70 минг тоннадан ортик ҳосил йиғиб олади. Аммо шу пайтга қадар бу ҳудудда тола қайта ишланмаган. Бугун амалиётга кластер тизимининг кириб келиши тўқимачилик саноатига ижобий натижа бера бошлади. Буни тумандаги амалий ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.



"Naxshab Tex Group" кластери бугунга қадар 151 фермер хўжалиги билан пахта етказиб бериш юзасидан шартнома тузган бўлса-да, лекин шу ернинг ўзиде қайта ишлашга имконияти йўқ эди. Жорий йилдан бошлаб туманининг ўзиде толадан тайёр кийим-кечак тайёрланиб, хориж бозорларига жўнатишмоқда. Эндиликда мазкур корхонада йилга беш ярим миллион донга тайёр трикотаж маҳсулотлари экспорт қилинади.

Касби туман ҳокими ўринбосари Жавоҳир Жабборов берган маълумотларга кўра, айна пайтда ҳудудда пахтачилик йўналиши бўйича тўртта кластер фаолият олиб бормоқда. Жумладан, "Китоб ил йигирув", "Naxshab Tex Group", "Cluster Khla" ва "Indorama Agro" кластерлари эндиликда янги босқич сари дадил қадам ташлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кластер тизими ташкил этилиши хар бир соҳада катта ўзгаришларга сабаб бўлиши билан бирга, янги иш ўринлари очилишига ҳам эришилмоқда. — дейди Ж. Жабборов. — Биргина мисол, буни туманимиз мисолида кўриш мумкин. Хусусан, 2017 йилда Касби туманида экспорт ҳажми "ноль" қийматда бўлган.

Ақбар ҒОЗИЕВ, журналист

ИНСОН ҚАДРИ

ХАЛҚ ОВОЗИНИ ИФОДА ЭТУВЧИ ТУЗИЛМА

Мохира Ҳайитбаева Нукус шаҳридаги "Жана базар" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Кутилмаганда тақдир зарбаси уни эсанкиратиб қўйди — 2017 йили саратон хасталигига чалинди. Ишидан бўшашига мажбур бўлди. Яқинлари узоқлашди, уч фарзанди билан кўчада қолди.



Асосийси, ташкил этилган сайёр қабул-лар жараёнида фуқароларнинг бу борадаги муаммолари ижобий ҳал этилиб, одамларнинг оғри енгил, мушкул осон бўлмоқда.

— Эпликкальва туманининг 1-сектор ҳудудидаги Қирққизобод маҳалласида 2023 йил иккинчи чорагида тадбиркорлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аҳолига жами 1 миллиард 700 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилиб, бандлиги таъминланди. — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистондаги Халқ қабулхонаси бош мутахассиси Файрат Тилеумуратов. — Янгидан 6 лойиҳа ишга тушиб, 30 дан ортик оила вакиллари ишли бўлди. Хусусан, кўп йиллар давомида мамлакатдан ташқарида тирикчилик ўтказиб келган Умида Курбонованинг оиласи билан бирга мамлакатимизга қайтиши таъминланди. Қизи "Ёшлар дафтари"даги рўйхатга киритилиб, субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди.

Навий маҳалласида яшовчи Отабек Абдуллаевга ўз ҳовлисида интенсив усулда балиқ етиштириши учун 225 миллион сўм миқдорда кредит олишда ёрдам берилди. Натижада "Javoxir gold fishes" оилавий корхонаси ташкил қилиниб, айна пайтда уч киши доимий иш билан таъминланди.

Президентимизнинг Хўжайли туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятида учраётган муаммоларга ечим топиш мақсадида ҳудудларга бириктирилган сектор вакиллари билан биргаликда самарали ишлар олиб борилмоқда. Тадбиркор Тимур

Қурбаниязов оиласи гулчилик билан рўзгор тебратиб келади. Энди ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида Жанқўнғирот маҳалласида қаровсиз ётган 2 гектардан зиёд ердан фойдаланиш ҳаракатида экан. Тадбиркорнинг бу ташаббуси тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб, ушбу ер майдони ижарага олиб берилмаган бўлди. Эндиликда у ташландиқ жойни тозалаб, иссиқхона қуриш ниятида.

— Қораўзақ туманидаги 1-сектор ҳудудида қарали Бердақ овул фуқаролар йиғинида жойлашган 7-умумтаълим мактабига олиб борувчи йўл ҳам таъмирталаб эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қораўзақ туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Баҳоҳид Маъмуров. — Аҳоли томонидан билдирилган муурожаатдан сўнг ушбу йўл таъмирланди. Энди мактаб ўқувчилари текис йўлда ўқишга борадиган бўлди.

Яна бир мисол, тумандаги 2-сектор ҳудудидаги Нурум тўбақ маҳалласи туман марказидан 30 километр узоқда жойлашган. Қишлоқда 50 га яқин бола мактаб-гача таълим ташкилотига бориш ёшида. Уларни туман марказига олиб боришга аҳоли қийналар эди. Ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаро Мирғиш Бекходжаева қишлоқ марказидан уй-боғчасини очиб мақсадида Халқ қабулхонаси ва сектор раҳбариятига муурожаат қилди. Ҳолат ўрганилиб, муурожаат ижобий ҳал этилди. Ҳудуддаги бўш турган ерга замонавий уй-боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак. Ушбу тамойилнинг амалда бажарилиши одамларнинг давлат идораларига, эртанги кунга бўлган ишончини оширмоқда. Турли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутасаддиларининг жойларга чиқиб, халқ дардини тинглаши, уларнинг ҳолидан хабар олаётгани бугунги, эртаси фаровон бўлишига замин яратмоқда. Зеро, Халқ қабулхоналари аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш орқали уларнинг ҳуқуқлари, манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилаётган, муурожаатларни ўрганиш орқали мавжуд муаммоларни ҳал қилишининг самарали тизимига айланиб бораётди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

БУГУННИНГ ГАПИ



2024 йилда юртимизда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш 4 фоиз ўсиши кутилмоқда. Бу қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳам иштирокчиси, ҳам истеъмолчиси бўлган юртдошларимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилади. Соҳадаги ислохотлардан қўзланган мақсад ҳам аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини қондириш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини сақлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Зокир АЛЛАМУРОДОВ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда ҳам қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, ердан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини яхшилаш орқали ҳосилдорликни оширишга халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини таъминлашининг муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Сўнгги йилларда соҳадаги ёндашувлар тубдан ўзгариб, замонавий тизимга айлангани бунинг аққол мисоли. Асосийси, бу борада ўзимизга хос усул ва тажрибалар қўлланилмоқда. Аҳолига фойдаланиш учун ер бўлиб бериш, пахта майдонларини қисқартириб, боғдорчиликни ривожлантириш, кластер тизими жорий этилиб, "даладан экспортгача" тамойили йўлга қўйилиши шулар жумласидан.

Кўрсаткичлар ниманинг ҳисобига ўсади?

Юртимизда қишлоқ хўжалигига 22 миллион гектардан зиёд. Қолаверса, ўлкаимизнинг қўшлани экани қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятини янада оширади.

Ҳамма гап ана шу имкониятдан тўри фойдаланишда. Бу борада 6-7 йил олдин бошланган аниқ ва тизимли ишлар бугун натижасини бера бошлади. Жумладан, ўтган йил якунларига кўра, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг тўртдан бир қисми қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келди. Бу нафақат маҳсулот етиштириш, балки уларни қайта ишлаш, экспорт қилишда ҳам кўрсаткичларимиз ошиб бораётгани далили. Биргина мева-сабзавот экспорти жорий йилнинг 9 ойида 1 337,9 минг тоннага етиб, ўтган йилнинг шу давридагидан 1,1 баробар ошди.

Қишлоқ хўжалиги энг катта тармоқлардан бири ва унинг йўналишида кўп. Хусусан, деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, иссиқхона ва ҳоказо. Аммо буларнинг бариде аҳоли истеъмоли учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилади. Бу маҳсулотлар сифати, миқдори, талабқиллиги эса

бозордаги нарх-навога белгилайди. Тақдир қанча кўп бўлса, нарх шунча барқарорлашади.

Аммо қишлоқ хўжалигига ҳосилдорликни ошириш осон эмас. Бу бир қанча омилларга боғлиқ. Улардан бири ерга тўғри муносабатдир. Яъни озиқ-овқат ҳафсизлиги ва маҳсулотлар тақчиллиги глобал масалага айланган ҳозирги даврда ерни асраш, муҳофаза қилиш ҳамда тўғри ва самарали фойдаланиш энг зарур талабга айланди.

Хўш, бу қандай натижа берапти? Ҳозирги кунда 67 миллиондан ортик аҳолига эга Буюк Британияда 17,5 миллион гектар майдондан 27,3 миллион тонна маҳсулот олинаётган бир вақтда мамлакатимизда 4,3 миллион гектар ерда 120,6 миллион тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилиб, аҳоли жон бошига 2,15 тоннани ташкил қилади. Шунинг ўзи юртимизда ердан фойдаланиш самардорлиги ортик бораётгани далилидир. Жорий йилда натижалар янада ўсиши кутилмоқда.



Шу боис, бу ресурсдан оқилона фойдаланиш ва ер муносабатлари соҳасида қўнилийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аинқиса, ер ҳисобини олиш, давлат ер кадастри маълумотларини тўғри юритиш ишлари фаоллашиб, рақамлаштириш жараёнига ўтказилди. Ерларни кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинляпти. Хусусан, ерни қайта фойдаланишга киритиш, лалми ерлар ва яйловларни ўзлаштириш учун суғориш қудуқлари қазииш, насос ўрнатиш ҳамда янги мевали боғ ва тоқзорлар барпо этиш тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш 4 фоиз, чорвачилик маҳсулотлари эса 3,5 фоиз ўсиши кутилляпти. Жумладан, дон ишлаб чиқариш 4,2, мева 5,5, полз ва узум 5, сут маҳсулотлари 3,9, гўшт 3,4 ва туҳум 3 фоиз ўсиши ҳисоб-китоб қилинган.

Ҳар қарич ернинг ҳисоби бор

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожини орқали озиқ-овқат маҳсулотларини нафақат ишлаб чиқарувчи, балки қайта ишловчи, экспорт қилувчи давлатга айландик.

Ҳозир юртимизда етиштирилаётган 80 турдан ортик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти жажоннинг 60 дан ортик мамлакатига экспорт қилинмоқда. Экспорт кўрсаткичларимиз охиригиги етти йилда икки баробар ортик, бир гектар экин майдонидан олинган ҳосил бўйича ҳам дунёда етакчи давлатлар қаторида турибмиш.

Банд аҳолининг 25 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнат қилляпти. Нафақат деҳқон ва фермер, балки оддий аҳолининг кўпчилиги хонадониде маҳсулот етиштириб, қўшимча даромад топиш борабариде ўзини ўзи банд қилмоқда. "Бир ҳудуд — бир маҳсулот", "Бир маҳалла — бир маҳсулот" сингари янгича тамойил, самарали тизимлар асосиде меҳнат қилиш оммаллашиб бормоқда. Мақсад эса соҳада аҳолига қулай шартшароит яратиш орқали бандликни таъминлаш, қўшимча даромад манбалари яратишига қўмақлашишдан иборат.

Пахта ва галладан қисқартирилаётган ерларни ишсиз аҳолига фойдаланишга бериш тизими ҳам соҳадаги энг катта ислохотлардан бири бўлди. 2021 йилдан бошланган ташаббус асосида 193 минг гектар ер деҳқон хўжалиги ташкил этиш орқали сабзавотчилик, полз, дуқакли, моли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун аҳолига 30 йилга ижарага берилди. Ана шу ерларда 2022-2023 йиллар давомида қўшимча 2,5-3 миллион тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилди. Фермер хўжалиқларининг галладан бўшаган ер майдонига тақририй экин экиб, қўшимча маҳсулот олиш ҳам яхши самара бермоқда.

Илғор технологиялар тежамкорлигини оширади

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигига ҳосилдорликни ошириш кўп жиҳатдан инвестицион лойиҳалар ва замонавий технологияларни фаол жалб этишга боғлиқ. Бу борадаги аниқ вазифалар Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, ҳудудларда камхарж, ресурстежамкор технологияларни қўллаш, томчиликта суғориш, гидропоника, аэропоника усуллари жорий этилиши сарф-ҳаражатлар

ни бир неча баробар қисқартиряпти. Биргина жорий йилда қўшимча 100 минг гектарда сув тежовчи технологиялар қўлланилиши натижасида ҳосилдорлик 15 фоиз ошгани кузатилди.

2024 йилда ҳам тармоқнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш учун тежамкор технологиялар жорий этиш, биологик эскирган навлар ўрнига иқлим ўзгаришига мос, ҳосилдорлиги юқори навларни қўпайтириш, сув ҳисоб-китоб тизимини рақамлаштириш, ирригация тизимида сув йўқотилишининг олдини олиш мақсадида каналларни бетонлаштириш белгиланган. Қабул қилинган дастурлар асосида келаси йили пахтачиликда 8 та, галланиликда 12 та тезпишар ва серхосил нав экилиб, экин майдонларининг 40-50 фоизиде ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобига ҳосилдорлики 5-6 фоиз ошириш қўзланган. Қўшимча 30 минг гектар ерда интенсив усулда сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, галладан бўшаган 780 минг гектарда тақририй экин экилади. Ҳудудларимизда умумий қуввати 2,5 миллион тоннага тенг 100 та агрологистика маркази фаолият йўлга қўйилиб, уларнинг экспорт салоҳиятини 1 миллиард долларга етказиш бўйича ҳам ишлар бошланган.

Ҳозир сув танқислиги энг глобал масалалардан бири. Бу эса юртимизда ҳам янада кўпроқ тежамкор технологияларни қўллаш заруратини оширмоқда. Шу боис, келаси йил суғориш тизимини тиклаш ва сув ҳисобини юритиш тадбирларига қўшимча 3 триллион сўм йўналтирилиши белгиланган. Бу маблаг ҳисобидан минг километрдан зиёд канал таъмирланиб, 815 километрге бетонлаштирилди, 17 километрге лоток янгиланди. Натижада хар йили 706 миллион метр куб сувини иқтисод қилиш мумкин. Қўшимча 411 минг гектар ерда суғориш тизими яхшилаши ҳисобига эса йиллик эксплуатация харажатлари 196 миллиард сўм камаяди. Яна 390 та йирик сув ўтказиш нуктаси замонавий сув ўлچагич билан жиҳозланиши режалаштирилган.

Умуман, 2024 йилда юртимизда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш 4 фоиз ўсиши кутилмоқда. Бу қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳам иштирокчиси, ҳам истеъмолчиси бўлган юртдошларимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилади. Соҳадаги ислохотлардан қўзланган мақсад ҳам аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини қондириш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини сақлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишдан иборатдир.

ИСЛОХОТЛАР — АМАЛДА

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”

УНДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?



Мирзоҳид УБАЙДУЛЛОВ, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори

Бошланғич 1-бетда

Мана шундай саъй-ҳаракатлар ва ўз вақтида қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида биргина жорий йилнинг ўтган 9 ойида 1,9 миллион ишсиз фуқаро доимий ва мавсумий иш билан таъминланди, 1,3 миллиони ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашди...

Аслида, бир кишининг овирини енгил қилиш, ҳаётига мазмун бағишlash катта иш. Негаки, ҳар бир фуқаро жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси саналиб, ижтимоий давлатда муносиб яшашга ҳақлидир...

Ҳамма бир мисол. Термиз тумани Амир Темур маҳалласидаги фуқаролар ўнлаган алоҳида эътиборга молик.

Яна бир қувонарли жиҳат шундаки, бандлиги таъминланган, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган фуқаролар фақат ўзи учун ҳаракат қилмаяпти, улар яқинлари, маҳалладошларини ҳам иш билан таъминлаш бошлади.

Фикримизга мисоллар кўп. Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Бўстон маҳалласида ҳоким ёрдамчиси кўмағида иш бошлаган “Рўза Комила” оилавий корхонаси бугунги кунда тикувчилик йўналишида 20 нафар ишсиз фуқаронинг касаначилик асосида бандлигини таъминлади.

Корхона фуқароларга болалар кийимларини тайёрлаш учун газлама ва ярим тайёр кийимларни етказиб бериб, ҳар бир тайёр маҳсулот учун 1500 сўмдан тўлаб бермоқда. Натижада касаначилар бир ойда ўртача 4 миллион сўмгача қўшимча даромад топапти.

Яна бир мисол, Фарғона шаҳар Сурхтепа маҳалласида тадбиркор Камолитдин Зокиров томонидан қосиб-чилик фаолиятини кенгайтириш ҳисобига маҳалладаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсизлардан 50 нафар доимий ишга жойлаштирилган. Бугунги кунда ушбу оилавий корхонада 70 нафар ишчи фаолият олиб бормоқда.

Ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан ажратилаётган кредит маблағлари ҳам қўл келяпти. Масалан, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 364 мингта лойиҳага 7,6 триллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бунда қишлоқ ҳўжалиги йўналишига 1838 миллиард сўм, шундан, 932 миллиард сўм иссиқхона ва боғдорчилик, 498 миллиард сўм чорвачилик, 131 миллиард сўм паррандачилик, 277 миллиард сўм балиқчилик, қўёнчилик ва асаларчиликни ташкил этиш учун йўналтирилди.

Шу билан бирга, 4907 миллиард сўм хизматлар соҳасига, 500 миллиард сўм хўнамандчиликка ҳамда ишлаб чиқариш учун 77 миллиард сўм кредит ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, ажратилган кредитларнинг 60 фоиздан ортиқ қисми хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилгани аҳолига қисқа муддатда даромад топиш имконини бериб, кредитларни ўз вақтида қайтаришда қўл келмоқда. Қолаверса, янги иш ўринлари пайдо бўлишига замин яратяпти.

Суз исботи билан мазмунли. Сергели тумани Узағар маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси тавсиясига қўра, фуқаро Н.Улмасовага болаларни мактабга тайёрлаш ўқув марказини жиҳозлаш учун 33 миллион сўм миқдорда кредит ажратилган ва бунинг натижасида 8 та янги иш ўрни яратилган. Бу эса тадбиркор ўзини жадал йўлга қўйиш ва тезда фойдага кириб, кредитни вақтида сўндириш учун имкон берибди.

Ўзи яна бир мисол. Термиз тумани Амир Темур маҳалласидаги фуқаролар ҳам ишнинг кўзини билладиганлардан. Лекин уларнинг айримлари ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун қўли калтаки қилиб келарди. Бунинг урғунган ҳоким ёрдамчиси маҳалладаги 14 нафар хотин-қизга тикувчилик ва 3 нафар ёшга қандолатчилик қилиши учун зарур асбоб-ускуналар олиб беришда кўмаклашди.

Ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида уларга субсидия ажратилди ва вақтинча ишсиз бўлиб турган бу фуқаролар ўз кичик бизнесини йўлга қўйиб олди.

Бу борадаги ишларни рақамлар кўринишига келтирсак, қўйидагича бўлади: аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларга меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар олиб бериш бўйича 45,6 миң фуқарога 202,6 миллиард сўмлик субсидия ажратилди. Жумладан, томорқа ерларида тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 26,6 миллиард сўм, кооперативларга аъзо бўлиш учун 2,3 миллиард сўм, малака ошириш учун ўқишга йўналтиришга 4,3 миллиард сўм, асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш харажатларига 153,8 миллиард сўм сарфланди.



Ҳунар сири, янги лойиҳалар ва муносиб турмуш шароити

Халқимизда “Ҳунарли киши хор бўлмас”, деган пурмаъно мақол бор. Бу мақол бизнинг замонада ҳам ўз таъсири-ни йўқотгани йўқ. Янгилашиб бораётган дунёда баъзи касблар маънан эскириб, улар ўзини замонавийлиги эгалламоқда. Шу боис, бугунги давр шиддати эҳтиёж юқори бўлган касб-хўнар эгаллаш-ни ҳам талаб қилмоқда.

Бу жиҳатлар ҳоким ёрдамчилари назаридан четда қолмаяпти, албатта. Жорий йилнинг 9 ойлик ҳисоботида тўхталадиган бўлсак, 129 миң фуқаро замонавий касб-хўнар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқишга йўналтирилиб, “Ишга марҳамат” мономарказлари ва бошқа нодавлат таълим муассасаларида ўқитилганини кўришимиз мумкин бўлади.

Хусусан, Янгийўл, Когон шаҳар ва Тўртқўл, Балиқчи, Бўстон, Қорақўл, Зарбдор, Урта Чирчиқ, Езёвон, Риштон, Хонқа, Учтепа, Шайхонтоҳур туманларида касб-хўнар эгаллашнинг бандлигини таъминлаш бўйича янги натижаларга эришилган.

Биргина Сирдарё тумани Ҳикматли маҳалласида ҳоким ёрдамчиси томонидан 87 фуқаро касб-хўнарга йўналтирилиб, ўқишни тамомлаганлардан 8 нафари сартарошлик, 4 нафари тикувчилик, 7 нафари пазандчилик ва 68 нафари бошқа йўналишларда иш бошлади.

Фуқаролар бандлигини таъминлашда янги ва истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳам муҳим ўрин тутди. Гап шу ҳақда кетганида айтиш жоизки, ҳоким ёрдамчилари томонидан шакллантирилган 39 миңта (иш ўрни 171 миң) “маҳаллабай” микролойиҳалардан 20 миңтаси (52 фоизи) ишга туширилиб, 78 миңта иш ўрни яратилди.

Мисол учун, Қўйи Чирчиқ тумани Беруний маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси доим илгари сурган ва қўллаб-қувватлаган. Шу маънода, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган коридорларни ривожлантириш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш тақлифлари янгради. Президентимиз ТДТ темир йўл идоралари кенгашини таъсис этиш ва бу тузилманинг дирекциясини юртимизда жойлаштиришни тақлиф этди.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда экология муаммоси бутун дунёнинг “бош оғриғи”га айланган. Иқлим ўзгаришлари туфайли юзага келаётган турли муаммолардан бутун инсоният қаттиқ азият чекумоқда. Бундай ҳолат эса жамият ҳам-жамиятидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб қилмоқда. Шу-нинг учун давлатимиз раҳбари вазирлар даражасида доимий фаолият кўрсатадиган Туркий экология форумини тузишга қаққирди, бундай таъсирчан механизм экология соҳасида бажарилиши керак бўлган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, юртимизда ўтган асрда яшаган жадид болаларимизнинг ибратли фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш юзасидан аъзо мамлакатларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу ишларни янги бошқича кўтариш мақсадида Президентимиз жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган “Жадидалар: миллий ўзлиқ, истиқлол ва давлатчилик гоғлари” мавзусидаги халқаро анжуманда ТДТга аъзо давлатлар вакилларини фаол иштирок этишга қаққирди. Шу билан бирга, янгиликка интилиб яшайдиган, ташаббускор ўғил-қизларни рағбатлантириш учун Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлари марказини очиб ташаббус илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги тадиқот марказини ташкил қилиш бўйича бошланган амалий ишларни тўлиқ маъқуллаган ҳолда, айтиш жоизки, ҳоким ёрдамчилари маҳалладаги 14 нафар хотин-қизга тикувчилик ва 3 нафар ёшга қандолатчилик қилиши учун зарур асбоб-ускуналар олиб бериш бўйича 45,6 миң фуқарога 202,6 миллиард сўмлик субсидия ажратилди. Жумладан, томорқа ерларида тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 26,6 миллиард сўм, кооперативларга аъзо бўлиш учун 2,3 миллиард сўм, малака ошириш учун ўқишга йўналтиришга 4,3 миллиард сўм, асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш харажатларига 153,8 миллиард сўм сарфланди.

“Туркий давр” ширини остида ўтган Остона саммитида ҳам давлатимиз раҳбари томонидан ўта долзарб ва улкан аҳамиятга молик ташаббуслар илгари сурилди. Туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган “Туркий дунё хартияси”ни ишлаб чиқиш, Туркий

кўмағида “NEW MISS WISE” МЧЖ томонидан кийим-кечак ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш орқали 17 та янги иш ўрни пайдо бўлди.

Президентимиз одамлар эртага ёки оғир келажаққа эмас, бугун ҳам яхши яшаш учун доим қайғуриб келади. Бу мақсад йўлида кўмакчи сифатида ҳоким ёрдамчиларининг ҳам ҳиссаси борлигини айтиш адолатдан бўлади, албатта.

Фикримизни айрим рақамлар билан давом эттирамиз. Ҳоким ёрдамчилари, маҳалла раислари ва сектор раҳбарларининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан жорий йилнинг 9 ойида маҳалла-ларда 23,3 миң километр таъмирталган ички йўллар шағаллаштирилди, 21,7 миң километр йўллар асфальт қилинди, маҳалла ҳудудидан ўтувчи магистрал йўл ёқасида миң километр педдалар йўлакчалари барпо этилди.

Бундан ташқари, фойдаланишга яроқсиз холга келган 5,6 миң донна трансформатор, 123,1 миң донна симёғча ва 90 миң донна тунги чироқ янгисига алмаштирилди. 32 миң километр ариқларни тазолаш ва 6,8 миңта вертикал сўғориш қудуқларини қуриш орқали 302 миңдан ортиқ хонадон томорқасига сув етиб борди.

Катта вазифалар ҳали олдинда

Бугун ҳар бир тизим ва соҳа ривожини замонавий технологиялар иш-тирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу маҳаллалар, жумладан, ҳоким ёрдамчилари фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Шу мақсадда жорий йил бошидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида товарлар ва хизматларни сотиб олиш ва сотиш учун мўлжалланган Online-bozoz.uz платформаси устида иш олиб борилиб, август ойида ишга туширилди.

Маъзур платформа фойдаланувчиларга хилма-хил маҳсулотлар ва турли хизматларни сотиб олиш бўйича бепул эълонлар жойлаштириш имконини беради.

Ҳўп, бу платформанинг ҳоким ёрдамчиларига қандай дахли бор, дерсиз. Гап шундаки, ҳоким ёрдамчилари кўмағида маҳаллаларда тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар (кўрсатилмаётган хизматлар) ҳамда аҳоли томонидан томорқа ва ижара ерларда етиштирилаётган маҳсулотлар маъзур платформага жойлаштирилимоқда. Бугунги кунда платформадан 1240 турдаги маҳсулот ва хизматлар ўрин олган.

Келгусида ушбу платформанинг қамрови ва жозибадорлигини янада ошириш мақсадида Россиянинг “Корпорация МСП” ташкилоти билан агентлигимиз ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Шунга ўхшаш яна бир янгиликни ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Бугунги кунда ҳоким ёрдамчилари томонидан “Онлайн маҳалла” платформасининг махсус модули

орқали 1 миллиондан ортиқ камбағал оила учун “Индивидуал дастур”лар шакллантирилди.

Маъзур дастур доирасида камбағал оилалар даромадларини ошириш мақсадида 9 турда, жами 1755 миңта амалий чора-тадбир белгиланди. Шундан жорий йилнинг 1 октябрга қадар бу тоифадаги хонадон аъзоларидан 77,9 миң нафари доимий ва мавсумий иш ўринларига жойлаштирилди, 34,4 миң нафарига имтиёзли кредит ва 6,9 миң нафарига субсидия ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, дастурга киритилган оилаларни камбағалликдан чиқариш ва даромадларини минимал эстимёол харажатлари миқдоридан оширишга эришиш мақсадида аҳоли даромадини ошириш бўйича ажратилаётган молиявий ресурслар биринчи навбатда уларга йўналтириб борилади.

Дарвоқе, аҳоли мурожаатларини тизимли ҳал этиш, уларни назоратга олиш ва доимий мониторинг қилиш мақсадида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси Халқ қабулхонаси платформасига интеграция қилинди.


Тизим доирасида аҳоли мурожаатлари ҳоким ёрдамчиларининг планшети орқали тўғридан-тўғри тегишли масъул ташкилотга юборилиб, ижроси Халқ қабулхонаси томонидан назоратга олинмоқда. Натижада, жорий йил бошидан ҳоким ёрдамчилари томонидан жами 5020 мурожаат модуль орқали тегишли масъул ташкилотга юборилган.

Шу ўринда яна бир маълумотни келтириш мумкин. Жорий йилнинг 9 ойида ҳоким ёрдамчилари томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда кўрсатилган молиявий кўмаклар ҳисобида аввал ўзини ўзи банд қилган 39 миң фуқаронинг 17 миң нафари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида ва 22 миң нафари кичик бизнес субъекти сифатида фаолиятини бошлади.

Келгусида ушбу ишларни давом эттириш мақсадида ҳар чоракда қанда 3 та ўзини ўзи банд қилган шахсларни кичик бизнес субъектига айлантириш чоралари кўриб борилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳоким ёрдамчиларининг маҳаллалардаги ўрни ва одамлар ҳаётини ўзгартиришдаги кўмағи эътиборга моликдир. Негаки, ҳар бир эзгу ишнинг бошида туриш ва инсонларга кўмаклашиш хайрли амалдир. Лекин бу йўлда ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Барчамизга ишонч берадигани эса мамлакатимизда бошланган ислохотларнинг орта қайтмас тус олгани ва ижтимоий давлат қуриш йўлида муштаҳкам ҳуқуқий асос яратганимиздир.

КАРДОШЛИК РИШТАСИ



Давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги тадиқот марказини ташкил қилиш бўйича бошланган амалий ишларни тўлиқ маъқуллаган ҳолда, иштирокчи давлатларни биргаликда савдо тўсиқларини бартараф этиш, экспорт-импорт ҳажмини кўпайтиришда янги механизмларни кенг жорий қилиш, электрон савдо платформаларини ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга қаққирди. Зеро, сўзсиз юксак ва баланд марраларга эришиб бўлмади.

Бошланғич 1-бетда

Ташкилот маконидан эса савдо, иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайтириш бораётгани ва Ўзбекистон учун барча иштирокчилари билан стратегик шериклик алоқаларини ўрнатгани, кенгайтираётгани эътиборга молик. Биргина ўтган йили “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” ширини остида ўтказилган Самарқанд саммитида имзоланган ҳўжатлар ташкилотга янги қувват бағишлади.

Ташкилотга Ўзбекистон раислиги даврида юздан ортиқ турли тадбир ўтказилди, муҳим ташаббуслар илгари сурилди. “Туркий нигоҳ — 2040” концептуал дастури асосида амалий ҳамкорликнинг янги ва янада самарали механизмлари яратилди. Жумладан, Туркий давлатлар

касаба уюшмалари ташкилоти, Фазо тадиқотлари академияси, Жўғрофий кенгаш, Қўрғоқчиликни бартараф этиш институти, Нотариал идоралар уюшмаси каби янги тузилмалар иш бошлади. Қатор нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар — БМТ ва унинг турли иқтисодлашган институтлари, Ислоп ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан яқин шериклик алоқалари ўрнатилди.

Дунёда ўзаро ишонч сувайиб, қарама-қаршилиқлар кучайиб бораётган бир шариқта қилинаётган тизимли ишлар натижасида ўзаро савдо ҳажми ҳам ўсмоқда. Яқинда Остонада бўлиб ўтган саммитда давлатимиз раҳбарининг “Туркий дунё

ТУРКИЙ ДАВР: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ ЙЎЛ

нинг олий ордени” билан тақдирланиши ҳам бежиз эмас. Маълумки, бундай мукофот туркий халқлар оиласининг бирлигини муштаҳкамлаш, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга улкан ҳисса қўшган шахсларга берилади. Ўзбекистон 2019 йилда ТДТга аъзо бўлиб кирганидан буён давлатимиз раҳбари томонидан туркий мамлакатлар ўртасида дўстлик, яқин қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорликни муштаҳкамлашга қаратилган 50 дан ортиқ тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Мамлакатимизнинг ташкилотга раислиги даврида амалий ҳамкорликнинг янги самарали механизмлари яратилди. Ташкилотга аъзо барча давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалар изчил кенгаймоқда, стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилди, савдо ҳажми ошмоқда, кооперация кучаймоқда.

“Туркий давр” ширини остида ўтган Остона саммитида ҳам давлатимиз раҳбари томонидан ўта долзарб ва улкан аҳамиятга молик ташаббуслар илгари сурилди. Туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган “Туркий дунё хартияси”ни ишлаб чиқиш, Туркий

доим илгари сурган ва қўллаб-қувватлаган. Шу маънода, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган коридорларни ривожлантириш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш тақлифлари янгради. Президентимиз ТДТ темир йўл идоралари кенгашини таъсис этиш ва бу тузилманинг дирекциясини юртимизда жойлаштиришни тақлиф этди.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда экология муаммоси бутун дунёнинг “бош оғриғи”га айланган. Иқлим ўзгаришлари туфайли юзага келаётган турли муаммолардан бутун инсоният қаттиқ азият чекумоқда. Бундай ҳолат эса жамият ҳам-жамиятидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб қилмоқда. Шу-нинг учун давлатимиз раҳбари вазирлар даражасида доимий фаолият кўрсатадиган Туркий экология форумини тузишга қаққирди, бундай таъсирчан механизм экология соҳасида бажарилиши керак бўлган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, юртимизда ўтган асрда яшаган жадид болаларимизнинг ибратли фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш юзасидан аъзо мамлакатларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу ишларни янги бошқича кўтариш мақсадида Президентимиз жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган “Жадидалар: миллий ўзлиқ, истиқлол ва давлатчилик гоғлари” мавзусидаги халқаро анжуманда ТДТга аъзо давлатлар вакилларини фаол иштирок этишга қаққирди. Шу билан бирга, янгиликка интилиб яшайдиган, ташаббускор ўғил-қизларни рағбатлантириш учун Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлари марказини очиб ташаббус илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир олий даражадаги икки ва кўп томонлама учрашувларда, халқаро анжуманларда дунё

ҳамжамияти эътиборини Афғонистонга қаратиб келади. БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси ҳам, МДҲ саммити ҳам, ТДТ учрашуви ҳам бундан устасиз эмас. Зеро, тарихи ва тақдири туркий эллар билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган Афғонистон заминиде тинчлик ва оқоийшга эриштириш минтақамизда стратегик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартидир. Бирок дунёнинг бошқа нуқталарида низо ва урушлар авж олаётган ҳозирги шариқта ушбу муаммо халқаро ҳамжамияти эътиборидан тобора четда қолмоқда.

Президентимиз афғон халқига инсонпарварлик ёрдами қўрсатишни сувайтирмаслик, бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқишга даъват этгани бежиз эмас. Ўзбекистонга ҳам, минтақа давлатларига ҳам минтақавий шериклик ва барча қўшнилари билан иқтисодий ҳамкорлик жараёнида фаол иштирок этишга, тинч ва барқарор Афғонистон керак. Президент Шавкат Мирзиёев илгари сураётган трансфғон темир йўлини барпо этиш ташаббуси ҳам айнан мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан Остона саммитида илгари сурилган ташаббуслар рўёби, қабул қилинган муҳим ҳўжатлар ва қарорлар, жумладан, саммит декларацияси ҳамда Остона ақти мамлакатларимизнинг ёрқин туркий келажақ сари навбатдаги дадил қадами бўлишига шубҳа йўқ.

Абдумалик АКРАМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, педагогика фанлари доктори, профессор

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

МИЛЛИЙ СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БИР ДАҚИҚАДА ЕТКАЗИБ БЕРЯПТИ?



Шоҳрух ОДИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Статистика агентлиги
бошқарма бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Маълумотларни йиғиш ва тарқатиш жараёнини соддалаштириш учун рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш бундан дунёдаги барча статистик хизматлар учун муҳим восита саналади. Фойдаланувчиларга тўпланган маълумотларни тўғри талқин қилишда ёрдам берадиган батафсил метамаълумотлар услубийтини яратишга асосий эътибор қаратилади. Бу маълумот етказиб бериувчиларга нафақат ортқча саволларни қайтариши, балки ахборот сифатини оширишга ҳам имконият бермоқда.

Миллий статистика тизимини такомиллаштиришда илгор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, жумладан, ахборот йиғиш ва қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш, статистик ва таҳлилий маълумотларни интерактив кўришда қисқа муддатда излаш ҳамда қулай шаклда олиш, мазкур жараёнда статистика органлари ўртасида тезкор алоқани ташкил этиш долзарб вазифалар сирасига киради.

Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда 2020 йил 3 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Статистика агентлиги зиммасига статистик маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва тақдим

этиш бўйича ахборот тизимлари, корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри платформасини такомиллаштириш, аҳолини рўйхатга олиш жараёнини автоматлаштириш каби вазифалар юклатилган. Улар ижроси доирасида рақамли иқтисодиёт ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни статистика фаолиятига жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотлар қандай тўпланади?

Статистик маълумотларни йиғиш жараёни соҳадаги ишларни юритишнинг энг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг тўғри ва самарали ташкил этилиши таҳлилий маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва аниқлигига беvosита таъсир кўрсатади.

Статистика агентлиги томонидан бирламчи маълумотларни йиғиш жараёнида қуйидаги технологиялардан фойдаланиб келинмоқда:

— e-Stat 4.0 автоматлаштирилган ахборот тизими орқали олинган маълумотлар;

— планшет қурилмалари орқали ўтказилган кузатувлар натижалари;

— статистика интеграллашган ахборот тизимида (СИАТ) вазирлик ва идораларнинг маълумот базалари билан интеграция орқали олинган ахборотлар;

— телефон сўровлари, веб-сайт орқали ўтказилган сўровномалардан олинган маълумотлар.

2020 йилдан бошлаб статистика хисоботи янада қулайлигини веб-технологияга асосланган автоматлаштирилган ахборот тизими ("e-Stat 4.0") агентлик мутахассислари томонидан ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. У ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этишда алоҳида дастурий таъминот ўрнатилиши талаб этмайди, юборилган маълумотлар ҳолати автоматик тарзда текширилади. Статистик кузатувлар билан боғлиқ барча жараён ҳақида "шахсий кабинет" ёрдамида хабардор қилинади ва бошқа қулайликлар тақдим этиб келинапти.

Ахборот тизимини жорий этиш орқали статистика хисобот бланкалари учун қозғо сарфи 2014 йилда 60 тоннани ташкил этган бўлса, ҳозирда барча хисобот шакллари электрон шаклга ўтказилди ҳамда мазкур тизим орқали тўплаш жорий этилди. 2022 йил якуни билан ўтказилган сўровнома натижага кўра, фойдаланувчиларнинг 70 фоиздан ортқча ахборот тизимида кириш қулайлиги, 85 фоизи унинг интерфейси имкониятини, 82 фоизи яратилган воситалар ва 75 фоизи ишлаш тезлигини ижобий баҳолаган.

Статистика идоралари томонидан халқаро тавсияларга мувофиқ ҳамда респондентларга хисобот тақдим этиш юклама-

сини босқичма-босқич қисқартириб бориш мақсадида доимий равишда статистика кузатуви шакллари такомиллаштириб боришмоқда. Жумладан, 2023 йил учун статистика хисоботи шакллантиришда уларнинг 4 таси ўзaro бириштирилиб, маъмурий маълумотларга ўтказиш ва мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда бекор қилинди. 62 та статистика хисоботи ва уларнинг иловаларидаги кўрсаткичлар сонини 2022 йилга нисбатан 3 минг 174 тага

ўтказиш жараёнида тўлиқ рақамли технологиялардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Туман ва шаҳар статистика бўлиmlари планшет қурилмалари билан таъминланди ва кузатувлар жорий этилди.

Уларнинг самараси туфайли 2022 йилда 16 мингдан ортқ савдо нуқталаридаги товар ва хизматлар нархи, 14 мингта хонадонда уй ҳўжалиқлари, 55 мингдан ортқ жисмоний шахслар ва 10,8 минг автотранспорт эгалари билан хизматлар соҳаси



(17,7 фоиз) қисқартириш орқали соддалаштирилди. 47 та хисобот шакллнинг топшириш муддати респондентларга қулай бўлишини инобатга олиб мақбуллаштирилди.

Натижада 2022 йилга нисбатан статистика хисоботлари сони 10,9 фоизга, шу жумладан, ойлик хисоботлар 14,3, мавсумий хисоботлар 33,3 ва йиллик хисоботлар 12,2 фоизга қисқартирилди. 2023 йил учун 98 та (2022 йилда 110 та) хисобот шакли тасдиқланди ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилди. Истиқболда ҳам статистика кузатуви шакллари такомиллаштириб борилади.

Бундан тўрт йил муқаддам танланма статистик кузатувларни планшет қурилмалари онлайн режимда интернет орқали Статистика агентлиги марказий аппарати серверларига юбориш имконига эга ахборот тизими ва махsus дастурий таъминот ишлаб чиқилган эди. Ушбу дастур орқали нархлар ва уй ҳўжалиқлари танланма статистик кузатувларини 2019 йилдан бошлаб республика миқёсида тест режимда ишга туширилган бўлса, 2020 йилга келиб, барча турдаги танланма статистик кузатувларни

бўйича танланма кузатувлар ўтказилди. Шу билан бирга, 5 мингдан ортқ қурилди, 30 мингта яқин объектларда сановат ва савдо соҳалари, 36 мингдан зиёд қишлоқ ҳўжалиғига доир танланма статистик кузатувлари планшетлар ёрдамида ўрганилди.

Ушбу жараёнга рақамли технологияларни жорий этиш орқали уларнинг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш имконияти яратилди ҳамда кузатувларни ўтказишга сарфланадиган қозғо сарфи 100 фоиз, маълумотларни тўплаш вақти 2 баробар, уларни киритиш ва қайта ишлаш муддати 5-10 баробар, маълумотларни етказиб бериш вақти эса 10 кундан 1 дақиқача қисқарди.

Қайта ишлаш ва таҳлил жараёни

Ҳозирги кунда статистик вазифаларни бажаришда дунёда бу соҳада иш олиб боруши ташкилотлар бир қанча дастурий махsusлотлардан фойдаланади. Статистика агентлигида ҳам хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, STATA дастурий пакетини маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнига жорий этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Ундан катта ҳажмдаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш, регрессия ва корелляция моделларга қўшимча равишда жадвалли, таҳлилий хисоботлар, графикларни яратишда фойдаланилмоқда. Big Data ва сунъий интеллект (AI) технологияларини йўлга қўйиш эса уларни етказиб бериш муддатини янада қисқартиради.

Бинобарин, маълумотлар ҳажмининг борган сари ортиб бориши уларни тўплаш, қайта ишлаш, эълон қилиш ва тезкор равишда учур алмашиш самарадорлигини ошириш учун замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этишни талаб этмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда, сўнгги йилларда мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисидаги статистик маълумотларнинг сифати ва ишончилигини ошириш, фойдаланувчиларга қулай шаклда етказиш ҳамда халқаро ташкилотларнинг махsus наشرлари ва маълумотлар базаларида ҳолис акс эттиришни таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада веб-сайтлар юридик ва жисмоний шахслар билан ўзaro ҳамкорликнинг зарур ҳамда самарали воситаси ҳисобланади. Уларни юритиш, қўллаб-қувватлаш ва тегишли материаллар билан ишончли ва узлуқсиз тўлдириб бориш учун масъул ҳисобланади. Айна пайтда агентликнинг stat.uz расмий веб-сайти, услубий материаллар учун lib.stat.uz, гендер статистикаси юзасидан gender.stat.uz, Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича nsdg.stat.uz, худудий бошқармалар ва кадрлар малакасини ошириш, статистик тадқиқотлар институти веб-сайтига Интернет глобал ахборот тармоғига уланган ҳолда фаолият олиб борапти. Бу жараёнда алоҳида ўрин тутган расмий веб-сайт 2007 йилдан бунён ишламоқда ва 2020 йилда Осие тараққийет банки мутахассислари билан биргаликда янги форматда ишлаб чиқилди ва ишга туширилди. Унда республиканинг ижтимоий-иқтисодий статистик маълумотлари, жумладан, ЯИМ, қишлоқ ҳўжалиғи, сановат, хизматлар, қурилиш ва инвестиция, ташқи ва ички савдо, корхона ҳамда ташкилотлар фаолиятига доир кўрсаткичлар, аҳоли турмуш даражасини янада ахшиллаш бўйича қабул қилинган дастурий тартибамалга ошириш жараёнини тақдим қилишга имконият берди.

2019 йил 9 апрелда "Давлат бошқаруви оқчилиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салохиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан Статистика агентлиги давлат органлари ва ташкилотларнинг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида жойлаштиришни мувофиқлаштириши белгиланган.

Дунёдаги 2 минг 600 дан ортқ очик маълумотлар порталининг тўлиқ рўйхатини қамраб олган "Open data Inception"нинг 2022 йилги таҳлиliga кўра, дунёнинг 201 та мамлакати орасида очик маълумотлар манбалари ва улар сони бўйича Ўзбекистон 4-урини эгаллади. 2021 йилда эса 5-поғонадан жой олган эди.

Статистика агентлиги фаолиятининг истиқбол режалари кенг қамровли. Бунда янги электрон хизмат кўрсатиш турлари, бизнес регистр, статистик кузатувларни ташкил этишда илгор замонавий технологиялар, жумладан, космик тасвирлар, картографик чизмалар ва дроналар кузатувдан кенг фойдаланишни жорий этиш, хисоботларни онлайн режимда топшириш имкониятини берувчи махsus дастурий таъминотни мунтазам такомиллаштириб бориш, Big Data ва сунъий интеллект (AI) технологияларидан фойдаланган ҳолда, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш каби йўналишларга муҳим аҳамият қаратилади. Уларнинг ўз вақтида таъбиқ этилиши рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳўкумат соҳасида замонавий технологиялардан фойдаланишни янги босқичга чиқаришга хизмат қилади.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ТАДБИРКОР БУВИЖОНЛАР ЖАМОАСИ

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаганига 25 йил бўлаётган Қўндуз опа бугун нафақада. Бир пайтлар Қарши туманида нон ва нон махsusлотлари корхонасини ташкил этганида ҳали бу йўналишда фаолият олиб бориш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаганди. "Тулшан" номили хусусий корхона очиб, ўзининг махsusлотлари билан халқ орасида танилди. Шунинг ортидан турмуш ўртоғи билан бирга фарзандларини олийгоҳларда ўқитди, уйли-жойли қилди. Кейинчалик қизи Муносилов ёнига кириб, касбини мукамал эгаллагач, корхонани унга топшириб, ўзи пенсияга чиқди.

Аммо доим эл орасида бўлиб, меҳнат қилиб юрган киши пенсияга чиқиб, бекор ўтиролмади. Яна бир корхона очиб, иш бошламоқчи бўлди-ю, бир пайтлар "Тулшан" хусусий корхонасини очиб учун отанга бор, онанга бор қабилида роса саргардон бўлган кўнларни ёдига тушиб, бу фикридан қайтди. Онасининг шашти сўнганини эшитган қизи унинг гапларини эшитиб, ҳайратда қолди. Гўёки, ўша дамлардаги ҳолат ёш қизга эртак каби туюларди...

Тақиллатилмаган эшик қолмаганди

Қўндуз Каромова Қарши шаҳридаги 5-мактабда ўқиб юрган кезларида қандолатчилик касбига қизиқиши бор эди. Журналларда чоп этилган турли ширинликларнинг тайёрланиш тартибини ён дафтarchасига қайд қилиб борар, уйда ўзича уларни мустақил пишириб кўришга интиларди.

Мактабни фаол ўқувчилар қаторида олтин медаль билан якунлаб, Тошкент шаҳридаги халқ ҳўжалиғи олийгоҳига ҳўжжат топширганида ўша пайтда унинг иқтисодиёт факультетига ўқишга киришини қўпчилик кутмаганди. Уқини якунлаб, Қарши туманига келиб бўлиб тушганида, тайёр-

лаган ширинликларини тотиб қўрган оила аъзолари унинг қўлигул эканини эътироф этганди. Шундан сўнг у ўз мутахассислиги бўйича ўша пайтдаги Қарши туман "Матлуботсавдо" бўлимига иқтисодчи бўлиб ишга кирди. Лекин уйда бўш вақтида ширинликлар тайёрлашни қанда қилмади. Ўз билганича турли мазали пишириқлар тайёрлашга ҳаракат қилди. 2000 йилга келиб, ишлаб турган ташкилоти тугатилди. Ҳўнарли киши хор бўлмас, деганларидек, Қўндуз опа ҳеч иккиланмасдан ўзи севган ҳўнари — ширинликлар пиширишга киришди. Дастлаб қўшни аёлнинг таваллуд кўнига тайёрлаб чиққан ширинлиги бу ишнинг бошини тутишга туртки бўлди. Яъни пиширилган торт мазасини тотиб қўрганлар унга бюуртма берарди. Уй шароитида аста-секин ширинликлар тайёрлаб, сота бошлади. Туўларга, турли тадбирларга бюуртмалар тушиб, қўли-қўлига тегмай қолди.

Кейинчалик харидорлар сафи ортиб борди. Уларнинг талабини қондириш учун янада кенроқ имконият зарур бўлди. Албатта, бунинг учун корхона очиб керак эди. Қўлига ҳўжжатларни олиб, тезда хусусий корхона очаман, деган опа истаги хомхаёл эканини кейин англади. Ҳар кун қайсидир идора эшигини тақиллатар, уларнинг турли

важларини эшитиб, ортига қайтарди. Эртаси кун шу аҳвол яна тақорланар, айтилган маълумотномани олиб келса, яна қайсидир ҳўжжатда камчилик топиларди. Гоҳида: "аёл кишига шу шартмикан", деган дашномларини эшитса-да, парво қилмади. Ниҳоят орадан тўққиз ой ўтиб, турли овозгарчиликлардан кейин "Тулшан" хусусий корхонасини очибга эришди. Энди барчаси осон кечади, деб ўйлаганди. Афсуски, ҳали муаммолар олдинда эди. Иш юритиш учун маблағ зарур. Бунинг учун банқадан кредит олиш у пайтларда осон эмасди.

Яна қўлига бир талай қозғоларни кўтарганча шаҳардаги банқалар оstonасида кун ўтказди. Қайсидир эртага келинг, яна бирови камчилик бор, яна бирови кафил керак, дея турли баҳоналар билан қайтариб юборарди. Тадбиркорлик билан шуғулланишни астойдил мақсад қилган опа эса барча тўсиқларни енгиб ўтди.

Аста-секин ишларини йўлга қўйиб олди. Кейинчалик тумандаги мактабгача таълим ташкилотларига нон ва нон махsusлотларини етказиб бера бошлади.

Орадан кўп ўтмай, эски ва қаровсиз бинони сотиб олиб, қандолатчилик махsusлотлари ишлаб чиқариш корхонасига айлантди. Замонавий ускуналар келтириб, нафақат Қарши тумани, балки вилоят миқёсида ҳам махsusлотларини сотишни йўлга қўйди.

Хорижий тажриба иш берди

Қўндуз опа корхона ишларини юритиш билан бирга ўша пайтда Тадбиркор аёллар уюшмасининг туман бўлими раҳбари бўлиб ҳам ишлади. Шунингдек, етакчи ишбилармон хотин-қизлар қаторидан жой олди.



2017 йилга келиб, тадбиркорлик йўналишига кенг йўл очила бошлади. Соҳа вақиллари олдида учраётган тўсиқлар бирин-кетин бартараф этилиб, уларнинг малакасини ошириш борасида хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Жумладан, ўша йилнинг баҳорида юртимизнинг бир қатор ишбилармон аёллари сафида Қўндуз Каромова ҳам Германияга ўқув семинарига йўл олди. У ерда йирик корхоналар фаолияти билан танишиб, тажрибасини оширди. Ҳиндистон, Малайзия ва Японияда бўлиб, халқаро тажрибаларни ўрганди.

Хориж сафарларидан, доим бир олам тажриба билан қайтарди. Урганганларини корхонасида амалга оширишга интилни.

— Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг соҳага бўлган эътибори натижасида катта ютуқларга эришяптимиз, — дейди Қўндуз опа. — Узим-узим мисол қиладиган бўлсам, каттагина натижаларни қўлга киритдим. Шунинг ортидан ўндан ортқ мамлакатда бўлдим, ҳамкорлар орттирдим, малакани бойитдим. Хусусан, Германияда бўлганимизда каттагина қандолатчилик корхонасида бўлдим. У ердаги ишлар билан қияндан танишарканмиз, ташкилот раҳбарининг оддий ходимлар билан елкама-елка ишлаётгани бизни ҳайратда қолдирди. Аслида, бу ҳолат ишчиларнинг руҳиятига таъсир қилиб, ўзгача куч бағишларкан.

ахборот тизими яратилган. Унинг негизда stat.stat.uz Ўзбекистон Республикаси статистика портали ишга туширилган. Уни ишлаб чиқишда Россия, Озарбайжон, Туркия, Япония, Ҳиндистон, Беларусь, Қозғистон ва бошқа давлатларнинг ушбу йўналишдаги илгор тажрибаси ўрганилган.

Ҳозирги кунда "Статистика" интеграллашган ахборот тизимида 19 йўналиш бўйича 2 мингдан ортқ расмий кўрсаткичлар 10 йиллик динамик қаторларда, шунингдек, 30 йиллик асосий макро-кўрсаткичлар 5 йиллик кесимда фойдаланувчиларга қулай ва бепул шаклда юклаб олиш учун Excel, PDF ва JPG форматларда тақдим этиляпти. Мустақил равишда интеграция қилиш бўйича CSV, JSON ва XML шаклда жойлаштирилиши ва доимий равишда янгилашиб бориши йўлга қўйилган.

БМТ Тараққийет дастури кўмагида Миллий Барқарор ривожланиш мақсадлари веб-сайти ишга туширилган. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, тасдиқланган 190 та миллий БРМ индикаторининг 152 таси глобал БРМ индикаторларига тўлиқ мос келади, 28 таси прокси ва 10 таси миллий йўналиш ҳисобланади. Статистика агентлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 128 та Миллий БРМ индикатори бўйича маълумотлар шакллантирилиб, мазкур веб-сайтта жойлаштирилган.

Президентимизнинг 2019 йил 9 апрелдаги "Давлат бошқаруви оқчилиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салохиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан Статистика агентлиги давлат органлари ва ташкилотларнинг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида жойлаштиришни мувофиқлаштириши белгиланган.

Дунёдаги 2 минг 600 дан ортқ очик маълумотлар порталининг тўлиқ рўйхатини қамраб олган "Open data Inception"нинг 2022 йилги таҳлиliga кўра, дунёнинг 201 та мамлакати орасида очик маълумотлар манбалари ва улар сони бўйича Ўзбекистон 4-урини эгаллади. 2021 йилда эса 5-поғонадан жой олган эди.

Статистика агентлиги фаолиятининг истиқбол режалари кенг қамровли. Бунда янги электрон хизмат кўрсатиш турлари, бизнес регистр, статистик кузатувларни ташкил этишда илгор замонавий технологиялар, жумладан, космик тасвирлар, картографик чизмалар ва дроналар кузатувдан кенг фойдаланишни жорий этиш, хисоботларни онлайн режимда топшириш имкониятини берувчи махsus дастурий таъминотни мунтазам такомиллаштириб бориш, Big Data ва сунъий интеллект (AI) технологияларидан фойдаланган ҳолда, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш каби йўналишларга муҳим аҳамият қаратилади. Уларнинг ўз вақтида таъбиқ этилиши рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳўкумат соҳасида замонавий технологиялардан фойдаланишни янги босқичга чиқаришга хизмат қилади.

Меҳнатда ёшлардан қолишмайди

Тадбиркор аёл ташаббуси билан 2020 йилдан Қарши шаҳридаги Батож маҳалласида "Бувижоним пишириқлари" хусусий корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Унда Қўндуз опа режалаштиригандек, бувижонлар ишга қабул қилиниб, малакали жамоа тuzилди. Ҳозирда эплик нафарга яқин ишчи-ҳодим бандлиги таъминланиб, 50 турдан ортқ нон ва 40 дан ортқ турдаги ширинликлар халқ дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

— Ёшим 64 да, — дейди чех ишчиларидан бири Ханфира Яқилчова. — Ёшимда новвойлик қилганман. Нафақага чиққан, энди менга иш беришмас керак, деб ўйлагандим. Бу ердаги корхонани эшитиб, хурсанд бўлдим. Боиси, деярли кўпчилиги тенгдошларим, яъни бувижонлардан иборат экан. Мени ҳам ўз сафларига қабул қилишди. Бугун ахил жамоа бўлиб, иш олиб бормоқдам. Ишнинг маъноси ҳам яқини. Ишчилар учун яхши шaroитлар қилинган. Қўндузхон ҳам раҳбариман, дея бир четда қараб турмайди. Биз билан бирга доим ҳаракатда. Бувижонлар жамоаси қандай ишляпти, дея кўпчилик қизиқиш билдиради. Аммо ёшлардан қолишмаймиз.

Айна пайтда ушбу чехда бир ойда олти юз миллион сўмдан ортқ махsusлот тайёрланиб, харидорларга етказиб берилмоқда.

Дарвоқе, жорий йилнинг 18 август кунини Қўндуз Каромова Президентимизнинг "Тадбиркорлар кўни муносабати билан соҳа вақилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига асосан "Шуҳрат" медални билан тақдирланди. У киши юксак мукофотни давлатимиз раҳбаридан қабул қилиб оларкан, бу юртда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда эса бўлса-да, соҳаси ўқиш учун ҳаракат қилган киши кам бўлмастлиги, доим эътиборда эканига амин бўлди. Барча босиб ўтган қийинчиликларини унутиб, меҳнати муносиб тақдирланганидан боши кўкка бўлди.

Ақбар РАҲМОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ушувор

ВАЗИФАЛАРГА МУНОСИБ АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЗАРУР

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
Тошкент амалий фанлар
университети тадқиқотчи
профессори, филология
фанлари доктори

Глобаллашув халқлар учун улкан синовдир. Миллат ва халқ бу шафқатсиз синовда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлиши мумкин. Бу унинг эзгу мақсадлари ва давлатнинг оқилона сиёсати уйғунлиги билан боғлиқ. Халқ сабр билан машаққатларни босиб ўтса, сиёсат уларнинг орзу-интилишларини ифода этса, фан мухташам вазифалар учун муносиб ечим бера олса, марра, албатта, забт этилади. Демак, халқ ҳаракати, оқилона сиёсат ва самарали илмий ечимлар муштараклиги муаммоларнинг баргараф этishi калитидир.

Глобаллашув иқтисодиёт каби миллий маданиятга ҳам катта имкониятлар эшигини очиб баробарида унга ўнглаб бўлмас зарбалар бериши ҳам мумкин. Бу эса ҳар бир муаммо ечимига тизимли ёндашув, тўғри қарорлар қабул қилиш ва изчил, мохирона ижроти тақозо этади.

Асрлар давомида ўткир муаммо бўлиб келган, глобаллашув шароитида янада ўткирлашган, дунё миқёсида кескин тус олган миллий ва этник низолар замирида ошқорча ёки пинҳона дастак ва вазифасини ўтайдиган тил масаласи долзарблиги устуворлашмоқда. Бундаги эҳтирос ва жазавадор фониди давлатнинг вазмин тил сиёсати ва тилшунослигининг амалий самардорлиги ўртасидаги мувозанат катта, муқолағасиз айтиш мумкин. ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистонда тил сиёсатида ҳам янги давр бошланган. "Она тили" ифодаси толерантлик ўз сиёсатининг устувор ғояси бўлган давлатимизда биргина ўзбек тили соҳиблари учун эмас, балки барча миллат ва эллар учун муштарак тушунчага айланди. 2018 йилдан буён давлат тили баробарида барча миллат ва эллар тилларини ривожлантиришнинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайдиган қатор ҳужжатлар қабул қилинган бу борадаги улкан қадамлар бўлди, дейиш мумкин. Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари, ҳукумат ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг БМТ минбариди ўзбек тилидаги нутқи, мамлакатимиз миқёсида давлат тилида иш юритиш тантанаси амалда ҳеч бир миллат ва эл тилини камситмасдан амалга оширилаётгани мохирона сиёсат ва оқилона ёндашув маъсулидир. Буни халқимизга жуда зарур бўлган тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш учун бемисл тухфа ва тотли неъмат деса бўлади.

Ўзбекистонда тил сиёсатининг амалга таъбиқи — серқирра жараён. Унинг сиёсий, ҳуқуқий, тарихий, фалсафий-ижтимоий, маданий, илмий ёндашувлар уйғунлигида амалга ошаётгани, айниқса, эътиборга молик.

Давлат тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, бунинг учун илмий ва амалий базани ривожлантириш, ўзбек тилининг сунъий интеллект тили бўлишига эришиш йўлида ташланаётган катта одимлар, тил таълими методикасини такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар диққатга сазовор.

Миллий грамматика қадимдан миллат ва халқлар маданиятининг ўзак масалаларида бўлиб келган. Янги даврда узок йиллар давомида муносиб грамматик хусусиятларидан муайян даражада четлашган ўзбек тилининг туркона курилиши буйича жиддий тадқиқотлар қилинди. Бугунги таълимда ўзбек тили фонетикаси ва грамматикаси буйича илмий ечимдаги соф миллий талқинлар аксини топди. Сўз туркумили ва грамматик қўшимчалар таснифи, гап қурилишининг ўзбекона табиати буйича бажарилган мухташам тадқиқотлар янги долзарб вазифа — **миллий академик грамматика** яратиш даражасига етиб келди. Янги Ўзбекистон моҳиятига мос, миллий тилшунослигининг сунъий назарий ютуқлари асосидаги бундай умумлашма илмий талқинлар беришга бўлган ижтимоий эҳтиёж биз, мутахассислар зиммасига улкан масъулият юклаётди.

Президент фармонларида **Ўзбек тилининг миллий корпусини** яратиш ва уни муттасил такомиллаштириб бориш кечиктириб бўлмайдиган вазифа

сифатида кун тартибига қўйилган эди. Бугун олимларимиз томонидан бу борада жиддий илмий ечимлар ишлаб чиқилди. Фойдаланиш учун тақдим этилаётган Ўзбек тили миллий корпусида 7 миллиондан ортиқ гап, 15 миллиондан ортиқ сўз қўлланишини қамраб олган матнлар мажмуаси устида кўп сонли лингвистик операцияларни бажариш имкони вужудга келди. Бу ютуқ ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг назарий ва амалий муаммолари устида олиб борилган чуқур илмий изланишлар, ўзбек тилининг сунъий интеллект учун қайта ишлайдиган морфологик, семантик, синтактик анализаторларни ишлаб чиқиш, сўзларнинг 1 миллиондан ортиқ грамматик шаклини қамраб олган **10 жилдди "Грамматик шакллар лугати"**ни яратиш асосида қўлга киритилди. Бу натижалар ўзбек тили буйича турли, жумладан, таржима дастурларини яратиш учун кучли замин ҳозирлади.

Тил ва ундан амалий фойдаланиш самардорлиги давлат ва ҳукумат ҳужжатларида алоҳида муаммо ва вазифа сифатида қўйилган. Бу вазифанинг ечимини сифатида олий таълим тизимида **"Амалий филология"** бакалавр йўналиши ташкил этилиши қўйилаётган талабаларга муносиб жавобдир ва йўналишда тахсил олаётган иқтидорли талабаларнинг тил корпусини тузишдаги амалий кўмаклари жуда катта бўлди. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти билан ҳамкорликда катта ишлар қилинмоқда. Йўналиш ўқув-моддий базасини ривожлантириш учун мутлақо янги типдаги 10 дан ортиқ ўқув қўлланма яратилди. Амалий тилшунослик буйича илмий даражали мутахассислар тайёрланди. Бу мутахассислардан бир нечаси юртимизда эндигина шаклланаётган **"Миллий лингвистик**



Тил таълими методикаси — қўнға ва ҳаммаша долзарб мавзу, ҳар қандай давлатнинг асосий муаммоси. У, айниқса, дунё билан шиддатли интеграцияга киришаётган Ўзбекистонда ечимлари чуқур ва изчил илмий ёндашувларни талаб қилаётган соҳа. Ўзбек тилини она тили сифатида ўқитишни такомиллаштириш алоҳида ёндашувларни тақозо этгани каби, уни хорижий тил сифатида ўргатишда янгилик — илғор хорижий ва миллий технологияларни уйғун қўллаш зарурати мавжуд. Ўзбек тилшунослари ва амалиётчилари халқроқ тиллар таълимидаги энг биринчи босқич — тил лексикаси ва грамматикасини ўрганувчилар савиясига мувофиқ равишда даражалаш муаммоси устида ишлаётгани муаммо ечимининг узок эмаслигини кўрсатади. Бунинг учун яратилган база — Ўзбек тилининг миллий корпуси муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Сўзларни қўлланиш даражаси буйича статис-



экспертология" илмий йўналишининг илк вакиллари сифатида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда жиноятчиликни анкиқлаш ва олдини олиш амалиётини муносиб иштирок этмоқда.

Қадрлар тараққиёт гаровидир. Лингвистик экспертлар томонидан Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда **"Ўзбек миллий талаффузи манзараси"** муаммоси доирасида режалаштирилган истиқболдаги тадқиқотлар мажмуи жиноятчиликни анкиқлаш ва унинг олдини олиш амалиётини учун улкан аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тил миллий маданиятнинг, нутқ эса шахсий маънавиятни ифодалайди. Ҳар бир тил миллати маънавий қиёфасини ақс эттиради. Бу давлатимиз раҳбари нутқлари ва унинг дустурли кўрсатмаларида тақдор ва тақдор ўқириб келинмоқда. Бу ҳолат ўзбек тилшуносларига катта масъулият юклаш билан бирга тадқиқотлар уфқини янада кенгайтирди.

Тил маънавият ифодаси экан, тил ва маънавият муштараклиги тадқиқи ҳам унга муносиб равишда ривожланмоғи лозим. Ўзбек заминиди эндигина шаклланиб, жаҳонга юз тутаётган, ҳатто нуқрузли хорижий нашрда ҳам ўзбекча **"Лингвомаънавиятшунослик"** атамаси илк бор **"Linguomanaviatologu"** шаклида берилиши бу миллий илмий йўналишнинг порлоқ истиқболдан далолат беради. Зотан, шахсни маънавий такомиллаштириш ҳатто глобал муаммоларнинг ҳам ечимидир. Тилшунослик эса шахс маънавий тарбияси амалиётини учун асосий илмий базани шакллантиради.

тик ўрганиш ва натижаларни чиқариш муаммо ечимининг асосий йўли сифатида белгиланди.

Ўзбек амалий тилшунослигининг асосий муаммоларидан бири алифбо ва имлони такомиллаштиришдир. Бунда аниқ илмий-мантқиқий асосланган, муаммога атропоцентрик муносабатда бўлган ҳолда чиқарилган илмий ҳулосаларга таяниш лозимлиги қайта-қайта ўқтирилмоқда.

Алифбо шунчаки ҳарфлар тизими эмас. У миллат дунёқарашини, психологиясини, тафаккур тарзини ва ижтимоий маданиятини рамазидир. Уни ўзгартириш учун берилаётган ҳар бир тақлиф ўзбек тили фонетикаси буйича олиб бориладиган энг сунъий компьютер технологиялари ва замонавий дастурлар асосидаги чуқур илмий-амалий изланишларни кун тартибига қўяди. Ўзбек тили фонетикасини экспериментал ўрганиш ўтган асрнинг 50-60-йилларидан кейин тўхтаб қолган. Бугун уни қайта тиклаш, жонли ўзбек тили фонетик манзарасининг виртуал шаклини яратиш эҳтиёжи амалий тилшуносликдаги ечимини кутаётган муаммолардан, унинг тикланажак **"Экспериментал фонетика"** йўналиши олдидаги истиқболли вазифадир.

Янги Ўзбекистон истиқболли тил сиёсати вазифалари ижроси учун кенг камровли амалий лингвистик тадқиқотлар қўламини кенгайтириши зарур. Зотан, янги ижодий муҳит ва шароит янги илмий методологияга асосланган назарий асослари мустаҳкам замонавий амалий лингвистик тадқиқотларни тақозо этади.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТАНАСИДАН БОШЛАНАДИ

МЕНЕЖЕРЛИК СЕРТИФИКАТИ

МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИГА НЕГА КЕРАК?

Муҳаммад ҲАЛИМОВ,
Халқ таълими ходимларининг билим даражаси
ва касбий маҳоратини баҳолаш маркази директори
вазифасини бажарувчи

Жорий йил 28 августда мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини қўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мактаб таълимида бошқарув тизими ҳам ўзгартирилиши хусусида сўз юритилди. Хусусан, директорликка номзодлар фақат сертификати бор ва захирга киритилган кадрлар орасидан танланиши ва муддатли шартнома асосида ишга олиниши, директорлар ва ўринбосарлари ҳар беш йилда бир марта сертификациядан ўтиши кабилар белгиланди.

Мактаб таълимида бошқарув тизими ўзгартирилиши соҳадаги қатор янгиликларга сабаб бўлади. Зеро, мактаб директори бошқарувга оид замонавий билим ва қўникмаларга эга, жамоада ишлаш, ижодий ва педагогик таълим муҳитини яратиш, ўқитувчиларни, жамоани бирлаштира олиш компетенциясига эга бўлишини даврнинг ўзи талаб этадиган.

2023 йилгача мактаб директорларини лавозимга тайинлаш учун номзодлар мактабни ривожлантириш буйича 3 йиллик дастурини тақдим этиши, бу халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши томонидан қўриб чиқирилиши, маъқул деб топилган номзодга директорлик вазифасида ишлаш буйича тавсия бериш мумкин эди. Бу қатор камчиликларни юзага келтирган. Жумладан, кенгаш тарихидаги ақсарият эъзолар таълим тизими ва педагогик соҳадан йироқ кишилар эди. Қолаверса, директорликка номзодларни танлашда маҳаллий ҳокимият таъсир кўрсатиши мумкинлиги иш самарадорлигига халал берган.

Тадқиқотларга кўра, 36 фоз педагог ходим фаолиятини бошқа мактабга кўчириш истагини билдирган. Бунга сабаб қилиб бошқарув тизими тўғри йўлга қўйилмагани ва тайинланган раҳбарнинг лавозимига нолайиклиги кўрсатилган. Мактаб директорларининг касб стандарти жорий қилинган, аммо амалиётга тўлиқ таъбиқ этилмаган. Бу лавозимга тайинланган шахсларда бошқарув, жамоа билан ишлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва ҳуқуқий саводхонлик етарли даражада бўлмагани сабабли турли зиддиятлар юзага келиб, юқори ташилотларга мурожаатлар қўпаймоқда.

Қолаверса, жойларда мактаб таълимидаги ҳолатни ва бевосита мактаб раҳбарлари билан боғлиқ муаммоларни

ни менежерлик ўқув курсларида ўқитиш ва уларга менежерлик сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги қарор лойиҳаси тасдиқланшига боғлиқ.

Менежерлик курслари ўқув режа ва дастурларини тузишда хориж тажрибасидан фойдаланилди. Улар умумий ўрта таълим мактаби директори касб стандарти мазмунидан келиб чиқиб, 5 модуль асосида ишлаб чиқилган. У 8 компетенция буйича бўлғуси мактаб директорларининг билим ва қўникмасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ушбу ўқув режа ва дастур Буюк Британия, Япония, Финляндия каби давлатлар тажрибасига асосланган. БАА пойтахти Абу Дабидаги Амирликлар илғор таълим коллежи ҳамкорлигида ўқув дастурлари такомиллаштирилиши кўзда тутилган. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар алмашинув дастурлари, қўша тадқиқот лойиҳалари ва малака ошириш имконияти юзасидан ҳамкорлик ва ўзаро билим алмашиш муҳоқома қилинмоқда.

Жорий йил 28 август кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида Мактаблар ва мактаб таълими вазирлиги йил якунига қадар БАА ва бошқа давлатлар тажрибаси асосида мактаб директорлигига номзодларни ўқитиш, билиминин баҳолаш ҳамда уларни сертификатлаш тизимини йўлга қўйиши зарурлиги белгиланган.

Шунга асосан, Амирликлар илғор таълим коллежи билан ҳамкорликда директорлар тайёрлаш ва уларнинг билимини баҳолаш юзасидан ўқув дастурларини ўқитиш, таҳлил қилиш асосида менежерлик ўқув курсининг ўқув дастури ишлаб чиқирилиши кўзда тутилган.

Якуний синовлар эса Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тасдиқлаган дастурлар асосида жамоада ишлаш



ўрганиш юзасидан ўтказилган суҳбатларда айрим директорларнинг жамоа ва ота-оналар билан ишлаш, бюджетдан таққари маблағ топиш, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлиги, АКТ буйича қўникмаси етарли эмаслиги, мактабни ривожлантириш стратегиясини йўқлиги маълум бўлган. 2022/2023 ўқув йилининг бошига қадар 10 минг 104 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд эди. Ҳозир мактаб директори лавозимига вакант ўринлар сони 500 тага яқин.

Абдулла Авлоний номидаги миллий тадқиқот институтида 2024 йил 1 январдан мактаб директори лавозимига номзодларни менежерлик курсларида ўқитишни бошлаш режалаштирилмоқда. Институтида курслар расман очилиш муддати Вазирлар Маҳкамасига киритилган "Умумий ўрта таълим муассасалари директори лавозимига номзодлар-

ва ота-оналар билан мулоқот қилиш, бошқарув, молиявий ҳисоб-китобларни юритиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қўникмасини анкиқлаш юзасидан етакчи олимлар ва малакали мутахассислар, шунингдек, нодавлат ташилотлар вакилларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади.

Якуний синов топшириқлари асосида марказ томонидан тест ва кейс саволлари базаси шакллантирилади. Якуний синовлар тест, кейс ҳамда амалий топшириқлардан иборат бўлади. Тест саволларининг мазмунини бевосита мактаб амалиётидан келиб чиқиб тузилади. Ўрганилган билимларнинг амалиётга таъбиқ қилинишига эътибор қаратилади. 70 балл ва ундан юқори натижа олган номзодлар якуний синовини муваффақиятли топширган ҳисобла-

нади ва уларга менежерлик сертификати берилади. Амалий топшириқларни номзод ижодий иш шаклида тақдим этади ва имтиҳон комиссияси томонидан баҳоланади.

Белгиланган баллни тўплай олмаган номзодлар бир йил ичида навбатдаги битта якуний синовда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Икки марта ҳам якуний синовда белгиланган баллни тўплай олмаган номзодлар менежерлик ўқув курсида қайта ўқиганидан сўн яна унда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Бу сертификат Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари, санаторий турдаги ихтисослаштирилган давлат таълими муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактаблар, алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар учун амал қилмайди.

Менежерлик сертификати 5 йил кучда бўлади. Номзодлар маъзур муддатни узайтириш учун менежерлик сертификатини янгилаш буйича якуний синовларда иштирок этиши мумкин.

Тажрибага кўра, ҳар қандай билимин амалиётда ёки ҳаётда қўллаш мумкин аҳамиятига эга. Демак, менежерлик курсида ўқиган ёки ниманидир ўрганган номзод билимини эртанги фаолиятида қўллашни, бирор муаммога дуч келганда курсда ўрганган қўникмаларидан фойдаланиб, масалани ижобий ҳал этиши мақсадга эришганидан далолат беради.

Абдулла Авлоний номидаги миллий тадқиқот институтида 2023 йил июнь ойида ташкил этилган тажриба-синов курсларига 50 нафар номзод худудий мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари тавсиясига асосан ихтиёрий қабул қилинган. Навбатдаги курслар учун номзодлар махсус портал орқали электрон рўйхатдан ўтати ҳамда менежерлик ўқув курсида ўқиш учун ариза топширади.

Машгулотлар бошланишидан олдин менежерлик курсларига дарс ўтадиган профессор-ўқитувчилар Тошкент Халқроқ Вестминстер университетининг етакчи тренерлари томонидан қисқа муддатли курсларда ўқитилди. Ўқувнинг 1-2-ҳафтасидаги машгулотлар институти ташкил этилган бўлса, 3-ҳафтада белгиланган мактаб амалиёти Тошкент шаҳридаги муайян таянч мактабларда ўтказилди. Юқори малакали ва тажрибали мактаб директорларини жалб қилган ҳолда илғор тажриба ўргатилди. Ҳар бир мавзу соҳанинг таърибали мутахассислари томонидан ўтилгани, аудиторияда олган назарий билимларнинг амалиёт билан боғлангани, яъни бевосита мактабларга бориб ўрганиш жараёни, машгулотлар интерактив ва интерфаол усулларда олиб борилгани номзодларда раҳбарлик маҳоратини ўрганишга қизиқиш ва интилишининг ошишига хизмат қилди.

Белгиланаётган тартибга кўра, менежерлик сертификатига эга бўлган номзодларга мактаб директори лавозимини учун танловда иштирок этиш ҳуқуқи бериш кўзда тутилган. Тажриба-синов курсларида ўқиган 50 нафар ва 2024 йил январь ойидан бошланадиган курсларни муваффақиятли тугатган номзодлар директор лавозимини вакант мактаблар учун эълон қилинган танловда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Танловда иштирок этиш учун номзодга камиди бакалавр даражасидаги олий маълумот ва менежерлик сертификати, таълим соҳасида камиди 5 йиллик педагогик стаж, "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлардан тўлиқ хабардор бўлиш, хорижий тиллардан бирини бошланғич даражада ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни ҳамда давлат тилини билиш (рус, инглиз ва бошқа чет тилларни билиш устунлик беради) талаблари қўйилган.

Бугун мактаб директорлигига номзодларни менежерлик ўқув курсларида ўқитиш натижасида мактаб бошқарув тизими тубдан ўзгаради, соғлом муҳит ҳамда рақобатбардoshiликни таъминлайдиган жамоа шаклланади. Уз навбатида, бу таълим сифати ва самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

БОҚИЙ МЕРОС

Давлатимиз раҳбарининг “Бахшичилик ва дostonчилик миллий гуруримиз. Унинг замиридаги энг эзгу қадриятларимизни халқимизга етказиш лозим. Бахшичилик халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналарини асрашга, уни ривожлантиришга, бахшиларнинг обрўсини кўтаришга хизмат қилиши керак”, деган гаплари миллий санъатимизни янада ривожлантиришга рағбат ва ундов бўлди. Зеро, сўнгги йилларда миллийликни теран англаш ва ёшларда ўзига хос анъаналаримиз билан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлашга алоҳида ҳурмат билан қаралапти. Ватанимиз ҳудуди инсоният маданиятининг илк бешикларидан бўлгани далилларини жаҳон ҳамжамиятига етказиш гоёси бевосита Президентимиз томонидан илгари сурилаётгани қувонарли.

Давлат тадбирларида бахшилар, фольклор-этнографик гуруҳлар чиқишлари кенгайиб, бахшичилик санъати бўйича халқаро фестивал ва тадбирларнинг ташкил этилаётгани шу меросни бойитишга ҳисса қўшаётган барча-барчани бирдек бахтиёр этаётгани ҳақиқат.

Яқинда Шаҳрисабз шаҳрида Маданият вазирлиги, Республика бахшичилик санъати маркази ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган Бахшичилик санъати йўналишида ёш бахшилар, оқинлар ва жиров ижрочиларининг республика кўрик-танлови ҳам бахшичилик санъатини ривожлантириш борасидаги эзгу ишларнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Танловда мазкур санъат йўлини тутган 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган бахшилар, оқинлар, жиров ижрочилари қатнашди. Улар ўз чиқишларида миллий

анъаналаримизни намойиш этган ҳолда, дoston ва термаларни маҳорат билан ижро этди.

Танлов голибларини аниқлаш, кучлиларни саралаш масъуллар учун осон кечмади, албатта. “Энг ёш бахши” — Жамшид Шоқуллов, “Мухлислар эътирофига сазовор бўлган энг яхши иштирокчи” — Огабек Улашов, “Энг яхши жиров ижрочиси” — Толибай Бердимуротов, “Энг яхши бадиҳагўй” — Шерали Эгамбердиев, “Энг яхши дoston ижрочиси” — Усмонжон Абдуллаев, “Энг билимли бахши” — Темурбек Юсупов, “Сулоланинг энг ёш давомчиси” — Бежжон Раҳимов, “Энг яхши оқин” — Суҳроб Қодировга берилган номинациялар том маънода муносиб эгалларини топди дейиш мумкин.

Кўрик-танлов голиблари ва ташкилотчилар билан тадбир таассуротлари ҳақида суҳбатлашганимизда, бунга яна бир қарра амин бўлди.



КЎҲНА КЕШДАН БОШЛАНГАН СОҶИР СОЗЛАР САДОСИ

Алладан ҳам кўпроқ дoston эшитганман

**Шерали ЭГАМБЕРДИЕВ,
“Энг яхши бадиҳагўй” номинацияси голиби:**

— Президентимизнинг бахшичилик санъатига қизиқиши кучли эканидан биз, бахшилар жуда хурсандимиз. Айниқса, ёш бахшилар учун бахшичилик мактаблари, республикада ягона бўлган алоҳида мактаб-интернати очиб бергани таҳсинга лойиқ. Бахшилар ҳам олий маълумот олиши учун Юнус Ражабий номидаги миллий мусика санъати институтида Бахшичилик кафедраси ташкил этилгани ниҳоятда эзгу иш бўлди.

2019 йил Термиз шаҳрида бўлиб ўтган I халқаро бахшичилик санъати фестивалида қатнашган бўлсам, йилдан-йилга бу фестивалнинг кўтаринчилиги касб этаётгани сезияман. Хусусан, жорий йил Сирдарёда бўлиб ўтган фестивалда ёшлар сафи янада кенгайгани, кўплар қатори мени ҳам қувонтирди. Бахшилар тили билан айтганда, белини маҳкам боғлаган, ўзини шердек шайлаган, бахшичилик санъатини пухта ўрганади, деб эртасини ўйлаган 30 дан зиёд ёш бахши Гулистонда жам бўлди.



Одатда бахшичиликка, асосан, воҳада, қишлоқларда қизиқиш бўларди. Ҳозирги кунда эса шаҳарларда ҳам ёшларнинг бу санъатга қизиқа бошлагани қувонарли ҳол. 2018 йилдан буён бахшичилик мактабларида ўқитувчи бўлиб ишлаётган бўлсам, кейинги пайтда нафақат Термиз шаҳридан, балки Бухоро, Наманган, Қўқон, Андижон вилоятларидан келиб ўқийётган ёшларни биланаман. Тошкент шаҳридан ҳам 3 нафар бола тахсил оляпти.

Шу ўринда айтиш керакки, 2022-2023 йиллар давомида бахшичиликка қизиқиш билдирганлар сони сезиларли даражада ошди. Болаларимизнинг ўзлари бу санъатни ўрганиш истагида, ота-онаси мажбур қилаётгани йўқ. Қорақалпоғистонда 6 ёшли бола бемалол “Элеге” дostonни куйлаб берапти. Шундай экан, унинг “Энг ёш бахши” номинациясини олишига ким эътироз билдиради?

Узим ҳам Қашқадарё элида ўтган 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган бахши, оқин ва жировлар ўртасидаги фестивалда ҳакамлар назарига тушганимдан хурсандман. Танлов ҳақиқатан шаффоф ўтди. Олимларимиз, устозларимиз биз, ёшларнинг бахшичилик санъатини пухта ўрганиб, сир-синоатини чуқур англашим,



Алла эшитган бола бошқача бўлади, дейишади. Мен алладан ҳам кўпроқ дoston эшитганман. Ҳам отам, ҳам устозим Шодмон бахши Хўжамбердиев турли дostonларни айтиб беради. Болалигимдан “Алломши”, “Хондали”, “Гўрўғли” дostonларини эшитиб катта бўлганман. Абдуназар бахши қўлида ҳам таълим олдим. Устозим менга дўмбиранинг сир-асрорларини ўргатган. Устозларимиз “Биз устоз билан 70-80 чақирим яёв юриб, бахшичилик илмини ўрганганмиз. Улар бизга бармоқ машқларини, мимикаларини, сахнада қандай туриб айтиш кераклигини ўргатмаган, тўйларда энг орқада ўтириб, дostonларини эшитиб, ўзимиз ўрганганимиз”, дейишади.

Бугунги ёшларга эса махсус мактаб, алоҳида дарсликлар мўжайё. Устозларнинг ўзлари келиб, сабоқ берапти. Хусусан, мен ишлаётган Республика бахшичилик мактаб-интернатида отам Шодмон бахши ҳамда Бахшиқул Тоғаев дарс ўтади. Устоз бахши Зулхумор Шерназарова эса қизларимизга дostonчилик, терма сирларини ўргатиб келмоқда. Қиз бахшиларимизнинг секин-аста ички овозга ўтиб бораётгани қувонарли. Зеро, Қашқадарё, Самарқанд дostonчилик мактаблари қаторида Сурхондарёда ҳам ички овозда, яқхаон, дўмбира жўрлигида айтган устозларимиз. Мен ҳам шу устозлар даражасига етиб, бўлгуси бахшиларга тўри йўл кўрсатиш, уларни муносиб тарбиялашни ният қилганман. Икки йил аввал термалар тўплашим китоб шаклида чоп этилди. Бу китобдан тенгдошларимиз ўзлари учун керакли жиҳатларни олса, кўнглим тоддек юксалади.

Бахшичилик санъатини дунёга танитамиз

**Огабек УЛАШОВ,
“Мухлислар эътирофига сазовор бўлган энг яхши иштирокчи”
номинацияси голиби:**

— Болаликдан бахшичиликка қизиқиб, устозларим Алиёр бахши Норматов, Маҳмадмурод бахши Ражабовдан тахсил олганман. Кўплаб кўрик-танловларда, қатор тадбирларда қатнашиб, бу санъатнинг сир-асрорини тобора чуқурроқ билиб боряпман. Негаки, бундай тадбирлар барча катта-кичик бахшиларни бир ерда жамлаб, тажриба ўрганиш, фикр алмашишга имкон яратаяди.



Қашқадарёда биринчи бор бўлиб ўтган фестивал эса иштирокчиларнинг ёши чегаралангани билан бошқаларидан фарқ қилди. Яхши томони — ёш бахшилар учун катта тажриба мактаби вази фасини ҳам ўтади. Ижодимизни, устозларимиздан ўрганган дostonларимизни, билим ва кўникмаларимизни эмин-эркин намойиш қилдик. Устозларимиз ҳам бизни қўллаб-қувватлаб турганидан маънавий куч олдик.

Фестиваль доирасида ташкил этилган семинарда халқ бахшилари, тажрибали устозларимиз берган маълумотлар

бизга кўтаринки руҳ бағишлади. Тадбир сўнггида ташкил этилган гала концерт юрагида ўти бор бахшию оқин, жировларни жўштириб юборди. Бундай фестиваллар янада кўпаяверсин, биз, ёш бахшилар ижоддан тўхтамайлик, фестивалдан фестивалга ўсиб бораверайлик, дейман. Шу кунгача ҳам Президентимизнинг ташаббуси, алоҳида топшириқлари билан бўлаётган бундай тадбирлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

Ҳозирги кунда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусика санъати институтида бахшичилик ва дoston ижрочилиги таълим йўналишида устозим Зафар бахши Ҳайитовдан тахсил оляпман. Бундай имконият ҳам ҳеч қайси даврда бўлмагани, янги Ўзбекистонда биздек бахтли йигит-қизларга насиб этганидан қувониб кетаман. Чунки бу кунларни орзу қилган, бахшичилик мактабида ўқимаган бўлса-да, ўзига хос обрўга эга устозларимиз бугун бизга ҳавас қиладди. Бунга жавобан айтаманки, насиб қилса, биз, ёшлар ўзбек халқининг бахшичиликдек бетақдор санъатини бутун дунёга таништига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Танлов кутганимиздан-да аъло ўтди

**Умид НОРБОВЕВ,
Республика бахшичилик
санъати маркази раҳбари:**

— 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ёш бахшиларини, айнан 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган бахшиларимизни саралаш, уларни рағбатлантириш мақсадида кўрик-танлов ташкил этиш вази фаси белгиланган. Бу бўйича маданият вазирининг буйруғи ҳам чиққан. Шулар асосида кўрик-танловга бахшиларни жалб этиш мақсадида ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларга эълон бердик. 50 дан зиёд бахшиларимиз кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдирди. Талабдорлар Шаҳрисабз шаҳридаги маданият саройида 1-босқич саралаш турида малакали ҳакамлар томонидан ижроси, сахна маданияти, нағмаларни билиши, устозларга таъриф бериши каби шартлари бўйича беллашди. 9 нафар бахшиларимиз турли номинацияларда голибликни қўлга киритди.

Кўрик-танлов илк бор ташкил этилган бўлса-да, биз кутгандан ҳам аъло ўтди. Зеро, иштирокчилар, ҳакамлар ҳам тадбир бошқача таассурот қолдирганини эътироф этди. Қувонганимиздан режада бўлмаса-да, гала концерт ҳам уюштириб юбордик. Кўрик-танлов доирасида “Бахшичилик санъатида анъанавийлик ва



замонавийлик тамойиллари” мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон халқ бахшилари Маҳмадмурод Ражабов, Очил Чоршанбиев ҳамда олий таълим муассасалари талабалари иштирок этди. Ёш бахшилар ўзларини қизиқтирган саволларга тажрибали устозлардан керакли маълумотларни олди. Буни республикамиз бўйлаб ёш бахшиларга етказиш мақсадида семинар ижтимоий тармоқларда, телеканалларда ҳам намойиш этилди.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган бундай тадбирлар, албатта, шунчаки ўтказилмаиди, улар бардавом бўлади.

Кўрик-танлов иштирокчиларининг қайси бири билан гаплашманг, юқоридаги каби фикрларни билдириб, бундай шаффоф танловларни анъанавий йўлга қўйиш кераклигини таъкидлади. Ўйлаймизки, мутасаддилар бу борада аллақачон ўз фикрлари, истиқболли режалари билан ўртоқлашиб бўлган. Шубҳасиз, уларнинг қалбларини қадим Шаҳрисабзда жанрлаган соҳир созлар садоси, фестивал шукўчи ҳамон тарқ этгани йўқ.

**Сайёра ХУРСАНДОВА,
Республика бахшичилик
санъати маркази
кичик илмий ходими,
Муножат МҮМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛФБОСИДА Ўқиш учун МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

Таҳририятга келган қўлғамалар тақриз қилинмаиди ва муаллифга қайтарилмаиди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Е-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1146.
43313 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиш: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:00 Топширилди — 22:40